



**“ЖИЗЗАХ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АЖда
Ташқи аудитни ўтказувчи ташкилотни
танлаб олиш учун
Техник топширик**

Мақсади: Қисқа муддатда оптимал шартларда сифатли хизмат кўрсатилиши.

Диккат! Ташқи аудит танловига малака талабларига жавоб берадиган аудит ташкилотлари таклиф этилади. Аудитни ўтказувчи ташкилот малака талабларига жавоб бермайдиган ҳолатда шартнома бекор қилинади ва низоларни кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга шикоят хати билан мурожаат қилинади.

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ВА АУДИТ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда жамиятнинг Корпоратив бошқарув Кодексига кўра аудиторлик фаолиятининг: Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), Халқаро аудит стандартлари (ХАС), Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲСга) мувофиқ трансформациясини амалга ошириш учун, СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича, шунингдек, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти молиявий-хўжалик фаолиятининг 2022 йил якуни бўйича ташқи аудитни ўтказишни амалга ошириб берувчи аудит ташкилотлари танловида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига ва суғурта полисига эга бўлган, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига ва аудиторлик хизматлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун зарурий ходимларга эга бўлган аудит ташкилотлари қатнашишлари мумкин.

2. Танлов ғолибини аниқлаш: Аудит бозоридаги аудиторлик фаолияти, аудиторлари сони, Халқаро сертификатлар борлиги, Электрэнергетика соҳасидаги ташкилотларга аудит хизмати кўрсатганлик тажрибасига эгаллиги, аудитор компанияларининг халқаро ассоциациясига аъзолиги, ўтган йилда аудитор ташкилотлари рейтингида мавжудлиги, суғурта полиси мавжудлиги, аудит ўтказиш методикаси ҳамда аудит хизмати суммаси критерийларига кўра танлаб олинади.

3. Ҳар қандай келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қонунчилик асосида ҳал этилади.

Танлов ғолибини аниқлаш критериялари:

№	Кўрсаткичлар	Балл				
		1	2	3	4	5
1	Аудит бозоридаги аудиторлик фаолияти давомийлиги	3-5 йил	5-7	7-8	9-10	10 йилдан ортиқ
2	Аудиторлар сони	6	7-8	9-10	11-13	14дан ортиқ
3	Халқаро сертификатлар борлиги	1	2	3	4	5дан ортиқ
4	Электрэнергетика соҳасидаги ташкилотларга аудит хизмати кўрсатганлик тажрибасига эгаллиги (текширилган корхоналари сони)	1	2	3	4	5дан ортиқ
5	Аудитор компанияларининг халқаро ассоциациясига аъзолиги (агарда, ха)					
6	Ўтган йилда аудитор ташкилотлари рейтингда мавжудлиги (натижа)	41дан паст	31-40	21-30	11-20	1-10
7	Суғурта полиси қиймати, млн.сум	400гача	401-600	601-800	801-999	1 млрд ва ортиқ
8	Аудит ўтказиш методикаси ва куйидагиларни ўз ичига олган аудитор ҳисоботи шаблони: 1. Ҳар бир счет бўйича аудитор таҳлили ва фикри; 2. Молиявий таҳлил; 3.Ички низомлар, инструкциялар, буйруқлар, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг аудити; 4. Бизнес-режа бажарилиши ва таҳлили; 5. Корпоратив ҳисобот таҳлили; 6. Молиявий ҳисоботларни қайта топшириш зарурати туғилганда қўллаб-қувватлаш;	1 бўлим	2тагача бўлим	3	4	5-6
9	БҲМС, ҲАС, (ХМҲСга) мувофиқ трансформацияси, СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизи ва корпоратив бошқарув тизими аудити учун аудиторлик хизмати қиймати	200 баробар МРОТга ча	150 баробар МРОТгача	100 баробар МРОТга ча	80 баробар МРОТгача	70 баробар МРОТгача